# Саҳобаларимдан бирортасини сўкманглар!

11:48 / 13.07.2019    1477

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا تَسُبُّوا أَصْحَابِي، فَلَوْ أَنَّ أَحَدَكُمْ أَنْفَقَ مِثْلَ أُحُدٍ ذَهَبًا مَا أَدْرَكَ مُدَّ أَحَدِهِمْ وَلَا نَصِيفَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саҳобаларимдан бирортасини сўкманглар! Сизлардан бирингиз Уҳуд мислича олтин нафақа қилса ҳам, улардан бирининг муддига ёки ярим муддига ҳам ета олмас», дедилар».***

*Муслим ривоят қилган.*

** Бирингиз Уҳуд тоғи мислича олтинни садақа қилса ҳам, унинг савоби саҳобаларим садақа қилган бир мудд, ҳатто ярим мудднинг савобига ҳам тенг бўлмайди. Мудд бир соънинг тўртдан бири, яъни ярим килограммдан бироз озроқ.*